# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 5 сентябрь, № 175 (6610) Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ МЕЪМОРИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 4 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов хотирасига бағишланган маросим бўлди.**



Президентимиз портрети пойига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси ходимлари, вазирлик ва идоралар жамоалари, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари юксак ҳурмат бажо келтириб, гуллар қўйди.

— Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз, — деди Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сунь Лицзе. — Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов мустақилликка эришиш, давлатни ҳар томонлама ривожлантириш, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшди. Ислом Каримов бошлаган буюк ишлар давом этишига, Ўзбекистон янада равнақ топишига ишонамиз. Ислом Каримовнинг Ўзбекистон — Хитой муносабатларини изчил ривожлантириш йўлидаги ишлари ва амалга оширганислоҳотларини давом эттириб, ўзаро ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлайверамиз.

— Ислом Каримовнинг вафоти нафақат Ўзбекистон халқи, балки бошқа мамлакатлар, хусусан, Россия учун ҳам оғир йўқотиш бўлди, — деди Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденев. — Ислом Каримов Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги иттифоқчилик муносабатлари ва стратегик ҳамкорликнинг ривожланиши ҳамда мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшди. Ўзбекистон босиб ўтган тараққиёт йўли Ислом Каримов номи билан боғлиқ экани барчамизга аён. Унинг хотираси Ўзбекистон халқи юрагида умрбод муҳрланиб қолади. Ўзбекистон халқи Ислом Каримов танлаган йўлдан оғишмай олға боришига ишонамиз. Унинг оила аъзоларига, Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

— Барчамиз қаттиқ қайғудамиз, — деди Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратлен. — Ислом Каримов оиласига ва Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз. АҚШ Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ҳамкоридир. Ўзаро алоқаларни давом эттириш тарафдоримиз. Халқингизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик ва барқарорлик тилаймиз.

— Шанхай ҳамкорлик ташкилоти номидан бутун Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдираман, — деди Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Евгений Сисоев. — Ислом Каримовни юксак ҳурмат қилар эдик. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ШҲТнинг ташкил этилиши, фаолияти кўлами кенгайишига ҳар доим алоҳида эътибор қаратар эди. Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси билан Тошкент шаҳрида ташкил этилган ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси 13 йилдан буён муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғуингизга шерикмиз.

(Давоми 2-бетда).

## ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИГА АБАДИЙ МУҲРЛАНГАН БУЮК СИЙМО

**Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан Фарғона вилоятининг барча туман ва шаҳарларида ҳам мотам тадбирлари ўтказилмоқда.**

Эрта тонгдан корхона, ташкилот ва муассасалар вакиллари, ёшлар, умуман, минглаб фарғоналиклар Фарғона шаҳридаги Театр концерт саройи хиёбонига келиб, Юртбошимиз портрети пойига гуллар қўйди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида Фарғона вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Иқтисодиёт тармоқлари чуқур ислоҳ қилиниб, ҳуқуқий-ташкилий, техник ва технологик жиҳатдан янгиланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида яратилаётган имтиёзлар, инвесторлар, хусусан, чет эллик сармоядорларнинг қўллаб-қувватланиши натижасида маҳаллий хом ашёдан сифатли ва рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда вилоятда 150 дан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда қадимий Марғилон ва Қўқон шаҳарларининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб, ҳар томонлама кўркам ва замонавий кўриниш касб этди.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, барчамиз учун қадрли инсон бўлган Ислом Каримов ўз ҳаёти ва тақдирини жонажон Ўзбекистонимиз, халқимизга бағишлади.**

### ХОТИРА ДАРСЛАРИ

Мамлакатимиздаги барча таълим масканларида 4 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг порлоқ хотирасига бағишланган «Хотира дарслари» бўлиб ўтди.

Улуғ раҳбаримизнинг Ватан равнақи, халқимиз олдидаги буюк хизматларини ёдга олиш мақсадида ташкил этилган мазкур дарсларда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг мутасаддилари, профессор-ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, тарихчи олимлар, ёзувчи ва шоирлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов халқимиз, айниқса, ёш авлод камолоти йўлида мунтазам ғамхўрлик кўрсатганини бутун жаҳон жамоатчилиги эътироф этмоқда. Юртбошимизнинг хотирасини азиз ва муқаддас билиш, истиқлол йилларида мамлакатимизда навқирон авлоднинг порлоқ келажаги йўлида яратилган шароит ва имкониятларни қадрлашга ўргатиш, ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, юртпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш кенг жамоатчилик, таълим фидойилари, ота-оналар зиммасидаги энг масъулиятли вазифадир.

(Давоми 2-бетда).



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

## ИСТИҚЛОЛ ТИМСОЛИ

**Бундан йигирма беш йил муқаддам — 1991 йил 5 сентябрда мамлакатимиз Бош майдонига Мустақиллик майдони номи берилган.**

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг бунёдкорлик ғоялари асосида шаҳару қишлоқларимиз, вилоятлар марказларининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Муаззам майдонлар, сўлим боғлар, кенг ва равон йўллар, маҳобатли кўприклар, кўркам уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари фойдаланишга топширилди. Айниқса, Юртбошимизнинг пойтахтимиз Тошкент шаҳри қиёфасини замонавий меъморлик талаблари асосида тубдан ўзгартириш борасидаги кенг кўламли бунёдкорлик ишларини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди. Бу ҳақда сўз юритганда, аввало, Мустақиллик майдони кўз олдимизга келади.

Давлатимиз раҳбари Фармонига биноан, 1991 йил 5 сентябрда мамлакатимиз Бош майдонига Мустақиллик майдони номи берилди.

(Давоми 2-бетда).

## ТАЪЗИЯНОМАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг вафоти муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан таъзияномалар келмоқда. Мазкур таъзияномаларда ушбу қайғули дамларда Ўзбекистон раҳбарияти, халқи ва Ислом Каримовнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирилиб, сабр-тоқат тиланган.

Қуйидагилар ўз таъзияномаларини йўллаган:

БМТ Бош котиби — **Пан Ги Мун**

Америка Қўшма Штатлари Президенти — **Барак Обама**

Россия Федерацияси Президенти — **Владимир Путин**

Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси — **Дмитрий Медведев**

Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири — **Сергей Лавров**

Хитой Халқ Республикаси Раиси — **Си Цзиньпин**

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири — **Ли Кэцян**

Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири — **Ван И**

Қозоғистон Республикаси Президенти — **Нурсултон Назарбоев**

Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажилиси Раиси — **Нурлан Нигматулин**

Туркманистон Президенти — **Гурбангули Бердимуҳамедов**

Тожикистон Республикаси Президенти — **Имомали Раҳмон**

Қирғизистон Республикаси Президенти — **Алмазбек Атамбоев**

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти — **Муҳаммад Ашраф Ғани**

Озарбайжон Республикаси Президенти — **Илҳом Алиев**

Беларусь Республикаси Президенти — **Александр Лукашенко**

Беларусь Республикаси ташқи ишлар вазири — **Владимир Макей**

Украина Президенти — **Пётр Порошенко**

Корея Республикаси Президенти — **Пак Кин Хе**

Корея Республикаси Бош вазири — **Хван Гё Ан**

Корея Республикаси ташқи ишлар вазири — **Юн Бён Се**

Япония Бош вазири — **Шиндзо Абэ**

Япония Бош вазири рафиқаси — **Акиэ Абэ**

Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири, парламентдаги Ўзбекистон билан дўстлик лигаси раиси — **Таро Асо**

Япония ташқи ишлар вазири — **Фумио Кисида**

Ҳиндистон Республикаси Президенти — **Пранаб Мукержи**

Туркия Республикаси Президенти — **Режеп Таййип Эрдўған**

Туркия Республикаси Бош вазири — **Бинали Йилдирим**

Покистон Ислом Республикаси Президенти — **Мамнун Ҳусайн**

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири — **Муҳаммад Навоз Шариф**

Эрон Ислом Республикаси Президенти — **Ҳасан Руҳоний**

Сингапур Республикаси Президенти — **Тони Тан Кенг Ям**

Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти — **Йоахим Гаук**

Бельгияликлар Қироли — **Филипп**

Латвия Республикаси Президенти — **Раймондс Вейонис**

Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири — **Эдгарс Ринкевичс**

Латвия Республикаси Сейми Президиуми аъзоси — **Андрей Клементьев**

Словения Республикаси Президенти — **Борут Пахор**

МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби — **Сергей Лебедев**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Котибияти

КХШТ Бош котиби — **Николай Бордюжа**

БМТ Тараққиёт дастури администратори — **Ҳелен Кларк**

“МАКСАМ” компаниясининг президенти ва ижрочи директори — **Хосе Фернандо Санчес-Хунко**

Испания Археологлар уюшмаси бош котиби — профессор **Хесус Хил**

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси — **Кэролин Лэмм**

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси президенти — **Стивен Надерни**

“Туркистон — Америка ассоциацияси” раиси — **Абдулла Хўжа**

Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори — **Виктор Гришин**

Халқаро болалар фондлари ассоциацияси президенти — **Альберт Лиханов**

Сан Пабло университети профессори (Мадрид шаҳри), Марказий Осиё мамлакатлари бўйича эксперт — **Антонио Алонсо**

*Таъзияномалар келиши давом этмоқда.*

# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ МЕЪМОРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Нигоҳларида қатъият, ишонч ва меҳр балқиб турган Ислом Каримовнинг суратига қараб, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон буюк Президентимиз амалга оширган эзгу ишлар — халқимиз учун дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитлар яратилгани, қудратли давлатчилигимиз барпо этилгани, давлатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлганини яна бир бор ҳис қилиб, буларни кўз қорачиғидек асраш, бошланган эзгу ишларни давом эттиришга масъул эканини теран англамоқда.

— Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон тараққиёти, халқимиз манфаати йўлида амалга оширган ишлари, ислоҳотлари йиллар оша қадри юксалиб боришига шубҳа йўқ. Бу инсоннинг хотирасини нафақат бугунги, балки келажак авлодлар ҳам мустақиллигимиз меъмори сифатида юксак қадрлайди. Ислом Каримов — тинчликпарвар сиёсатчи, буюк давлат асосчиси сифатида жаҳон тарихида ўчмас из қолдирди, — деди пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек туманининг Навоий номидаги маҳалласида истиқомат қилувчи Саъдулла Насриддинов.

— Президентимизнинг “Бизга тинчлик ва омонлик керак” деган эзгу даъвати Ўзбекистон оналарининг дилидаги, тилидаги орзу-нияти бўлиб келган, — деди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси марказий кенгаши раиси ўринбосари Мухлиса Акромова. — Ана шундай эзгу мақсадларни рўёбга чиқарган Ислом Каримов юртимизда миллатлар ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини қарор топтирди, мустаҳкамлади. Бу барқарор муҳит юртимизда барча соҳаларда юксак ютуқ ва натижаларга эришилишига пухта замин яратди. Биз буни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, келажак авлодимизга тинч ва обод Ватан қолдириш йўлида фидойилик кўрсатишимиз шарт.

— Президентимиз Ислом Каримов биз, ёшларни фарзандларим, деб атаганларидан доим фахрланганмиз, — деди Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети 2-босқич талабаси Омонулла Собиров. — “Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз”, деган даъватлари бизни доим олға интилишга ундайди. Юртбошимизнинг пок руҳи, ўгитлари биз, ёшларга мустаҳкам таянч бўлади. Биз у кишининг муносиб издошлари бўлишга ваъда берамиз.

**Н. АБДУРАИМОВА,**
**Б. БОЗОРОВ,**
**ЎзА мухбирлари**

Оқил ҒУЛОМОВ олган сурат.

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Фарҳод Абдурасулов (ЎзА) олган сурат.

Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, юртимизни собиқ мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, уни замонавий асосда тараққий эттириш стратегиясини, бутун жаҳонда «ўзбек модели» деган ном билан тан олинган ривожланиш йўлини ишлаб чиққан, жаҳон миқёсида катта обрў-эътибор қозонган буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида Ватанимиз тарихида мангу қолади. Халқимиз ўзининг тарихан қисқа муддат — 25 йилда эришган барча ютуқ ва марраларини ҳақли равишда Президент Ислом Каримов номи билан боғлайди ва шу улуғ инсоннинг хизматлари, деб билади.

Ўқувчилар Президентимизнинг таржимаи ҳоли билан таништирилгач, махсус мониторда намойиш этилган фильмда Ислом Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, мамлакат мустақил тараққиёт дастурини ишлаб чиққан ва миллий тараққиёт йўлини белгилаб берган атоқли давлат арбоби, юртимизда амалга оширилган улкан ислоҳотлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамоси сифатидаги хизматлари ҳақида сўз юритилди.

Мустақиллигимизнинг маънавий асосларини яратиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий жабҳалардаги туб ислоҳотлар, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, Қуролли Кучларимизнинг қудратини ошириш йўлидаги ишлар бевосита Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилди. Президентимизнинг узоқни кўзлаган доно сиёсати, матонати, жасорати билан Ўзбекистон тинчлик ва осойишталик барқарор, турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўзаро ҳамжиҳат, аҳил ва тотувликда истиқомат қилаётган мамлакатга айланди.

— Собиқ тузум даврида мутелик, қарамлик исканжасига тушиб қолганимизни катта авлод вакиллари яхши эслайди, — дейди 169-умумтаълим мактаби директори Ёрқиной Маматова. — Миллат дарди — менинг дардим, деб майдонга чиққан Президент Ислом Каримовнинг жасорати билан бутун минтақамизда ғараз ниятли найрангларга, турли фитналарга барҳам берилди. «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деган туҳматларга чек қўйилди. Ноҳақ қамалган, жабр чеккан минглаб юртдошларимиз озод этилди. Бугун ёшларимиз тинч ва осойишта осмон остида, ота-онаси бағрида эмин-эркин улғаймоқда. Улар истиқлолни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унинг қадрига етиш зарурлигини, бу ёруғ ва саодатли кунларимиз, бахтиёр ҳаётимиз халқимизнинг фидойи инсонлари чеккан машаққатлар эвазига келганини билиши керак.

Мамлакатимизнинг барча таълим масканларида бўлгани каби академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўтган «Хотира дарслари»да ҳам Биринчи Президентимизнинг жонажон Ватанимиз буюк келажаги, тинчлиги ва осойишталиги, халқимиз фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатлари ҳақида ҳикоя қилинди.

— Президентимиз Ислом Каримовнинг Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз озодлигини таъминлаш йўлидаги чеккан заҳмати, миллатимиз олдидаги юксак хизматларини ёшлар онги ва қалбига сингдириш ғоят улкан маънавий-маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга, — дейди Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги молия ва иқтисодиёт коллежи директори Отабек Мирзағаниев. — Айниқса, Президентимизнинг мамлакатимизни дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига кўтариш, халқимизнинг ҳаёт сифатини ошириш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришдаги хизматлари халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

Машғулотлар жараёнида келтирилган факт ва рақамлар Ўзбекистонда истиқлол йиллари эришилган улкан ютуқлар ҳақида ҳикоя қилади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, уч босқичли спорт мусобақалари тизими ташкил этилди. Жамғарма маблағлари ҳисобидан жойларда 300 га яқин болалар мусиқа ва спорт мактаби, 1 минг 900 дан зиёд спорт иншооти бунёд этилди. Сўнгги 10 йилда болалар ва ўсмирларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етди.

12 йилдан бери мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ўсиши кўрсаткичи саккиз фоиздан зиёд бўлиб келмоқда.

— Бугунги дарс жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг нақадар жасоратли, мард, қатъиятли, узоқни кўра олувчи, зукко, эл-юрт ташвишларини ўз ҳаётининг маъно-мазмунига айлантирган инсон эканига яна бир карра амин бўлдик, — дейди ушбу коллеж ўқувчиси Моҳичеҳра Абдукаримова. — Халқимизнинг буюк фарзанди Ислом Каримовнинг порлоқ хотираси барча юртдошларимиз сингари биз — ёшларнинг ҳам қалбимизда мангу муҳрланиб қолади.

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида ҳам «Хотира дарслари» замонавий ахборот, педагогик технологиялардан кенг фойдаланилган ҳолда ҳаётий мисоллар ёрдамида ўтилди.

Собиқ тузум даврида Ўзбекистон иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, аҳолининг ҳаёт даражаси ачинарли аҳволга тушиб қолган аграр республика эди. Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимиз суверенитетининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга оид дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлашга эришилди. Нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, автомобилсозлик, қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат, тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқларнинг изчил равнақ топаётгани бу борадаги пухта сиёсатнинг амалий натижасидир.

— Президентимиз доим биз — ёшларга мурожаат этганларида «Азиз фарзандларим, маррани баланд олинглар. Ўқиб-ўрганиш, касб эгаллаш, изланишдан бир муддат ҳам тўхтаманг», деб кўп бора такрорлаб, шу муқаддас заминни обод этиш, уни ҳимоялаш барчамизнинг бурчимиз эканини уқтирар эди, — дейди ушбу институт талабаси Умид Мажидов. — Юртбошимиз каби Ватанимизга содиқ, фидойи, мард ва жасур, қатъиятли бўлиш бизларнинг чин фарзандлик бурчимиздир.

«Хотира дарслари» мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида бўлиб ўтди. Юртга фидойилик, ватанпарварлик, одамийлик, ибрат сабоқларига айланган ушбу дарсларда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг порлоқ хотираси барча ўғил-қизларнинг ёдида мангу сақланиб қолиши, улар Ватанимизни, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаши, тинч ва осойишта кунларнинг қадрига етиши, юртимиздаги ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаши — бу барча юртдошларимиз каби ёшларнинг ҳам бурчи экани алоҳида таъкидланди.

**ЎзА.**

# ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИГА АБАДИЙ МУҲРЛАНГАН БУЮК СИЙМО

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 15 ноябрдаги “Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012 — 2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида бу ерда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Замонавий таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари, стадионлар, ишлаб чиқариш корхоналари, йўл ва кўприклар, хиёбонлар барпо этилди.

Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк алломаларимиз номи ва мероси қайта тикланиб, юбилейлари жаҳон миқёсида кенг нишонлангани ҳам Юртбошимизнинг тарих ва маънавиятга бўлган юксак эътибори ифодаси бўлди.

Ислом Каримовнинг Фарғонага, фарғоналикларга меҳр-муҳаббати бошқача эди. Фарғона аҳли ҳам Юртбошимизни қадрлар ва ардоқлар эди.

— Халқимиз буюк давлат арбоби бўлган суюкли Йўлбошчисини доим қалбида мангу сақлайди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Манзура Мадалиева. — У киши мустақил Ўзбекистон давлатига асос солди ва буюк тараққиёт йўлига олиб чиқди. Ислом Каримов ўзига қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қўйди. Бу улуғ инсон одамлар меҳрини қозонди, қалбидан чуқур жой олди. Президентимизнинг халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширган беқиёс ишлари тарих саҳифаларига абадий муҳрланади.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

### Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан Наманган вилоятида ҳам мотам тадбирлари бўлиб ўтмоқда.



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Эрта тонгдан давлат идоралари, ташкилот ва корхоналар, жамоат ташкилотларининг жамоалари, кексаю ёш қўлида гулдаста, қалбида чуқур изтироб, юз-кўзида чексиз қайғу билан вилоят марказидаги Хотира хиёбони томон оқиб кела бошлади.

Хиёбон ўртасидаги шоҳсупага Президентимизнинг катта сурати қўйилган. Йиғилганлар саф тортиб, ҳаммамиз учун азиз ва қадрли бўлган Юртбошимиз портрети пойига гуллар қўйиб, таъзим бажо этган ҳолда меҳр ва садоқатини изҳор қилди.

Йиғилганлар Ислом Каримовнинг давлатимиз мустақиллигининг асосчиси ва раҳнамоси сифатида халқимиз олдидаги буюк хизматлари ҳақида сўзлаб, унинг вафоти Ватанимиз ва халқимиз учун ниҳоятда оғир йўқотиш эканини чуқур қайғу билан изҳор қилди.

— Ислом Каримов халқимиз тарихида ўчмас из қолдирди, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими бош мутахассиси Дилором Зоҳидова. — Зеро, миллий истиқлолимиз шу буюк инсоннинг номи билан боғлиқ. Президентимизнинг номи қалбимизда абадий ва эзгу йўли бардавомдир.

Шундай тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бўлиб ўтмоқда.

**А. САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Тадбиркорлик равнақи йўлида

ЖАРАЁН

Қарши шаҳри, Шаҳрисабз ва Нишон туманларидаги бўш турган ер майдонларида кичик саноат зоналари ташкил этилди.

Хусусан, вилоят марказидаги собиқ “Керамзит” заводи ўрнида иш бошлаган бундай саноат ҳудудида “Истиқлол юксалиш тараққиёти” хусусий корхонаси томонидан умумий қиймати 200 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилди. Шу тариқа бу ерда турли металл конструкциялар, темир дарвоза, эшик ва дераза ромлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Қолаверса, кичик бизнес субъекти ёрлиғи туширилган хилма-хил спорт инвентарлари ва кўплаб турдаги маиший ускуналар ҳам харидорларга манзур бўлмоқда.

Қувонарли жиҳати, айни пайтда вилоятнинг барча туманида шундай кичик саноат зоналари ташкил этиш ҳаракатлари бошлаб юборилган. Бунинг учун зарур инфратузилма ва коммуникация тармоқларига эга ҳудудлардан жами 6,8 гектар бўш турган ер майдони тадбиркорлик тузилмаларига берилаяпти.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИСТИҚЛОЛ ТИМСОЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кейинчалик бу ерда амалга оширилган қурилиш ҳамда ободонлаштириш тадбирлари унинг нафақат манзараси, айни чоғда мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Мустақиллик майдонида барпо этилган иншоотлардан бири, бу — Эзгулик аркаси. Унинг баланд ва мустаҳкам устунлари мамлакатимизнинг бақувват таянчлари тимсолидир. Арканинг тепасида парвозга шайланаётган турналар халқимизнинг буюк орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш йўлидаги интилишлари, қатъияти ҳамда иродаси, оқ лайлаклар эса тинч ва осуда ҳаётимиз, фаровонлик, қут-барака ифодаси саналади.

Шунингдек, муаззам майдон кўркига кўрк қўшиб турган обидадаги зарҳал Ер шари рамзида алоҳида ажралиб турган Ўзбекистон харитасини кўрган юртдошларимиз шуурида чексиз ғурур-ифтихор туйғулари жўш уради. Ушбу тасвир Ватанимиз жаҳонда ўз ўрнига эга эканини билдиради.

2005 йилнинг 28 декабрида Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонида янги қад ростлаган монумент пойига илк бор гул қўйган эди. Майдонда истиқлолимизнинг дастлабки кунларида барпо қилинган Мустақиллик монументи олдидан фарзандини бағрига босиб, унга термилиб турган Бахтиёр она сиймоси жой олди. Бу бадиий мажмуа эл-юрт шаън-шавкати, ғурур-ифтихори, миллий давлатчилигимиз тимсолларидан бирига айланди.



Мустақиллик ҳамда эзгулик тушунчаларини бири-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Она сиймоси биз учун ҳамиша меҳрибонлик, фидойилик, эзгуликнинг ёрқин рамзи бўлиб келган. Юртбошимизнинг таклифига биноан, чуқур маъно-мазмуни билан барчамиз учун азиз шу икки муқаддас қадриятни ўзида мужассамлаштирган мажмуага “Мустақиллик ва эзгулик монументи” деб ном берилди.

Умумхалқ байрамлари, тантанали маросимларда, спортчиларимизни халқаро мусобақаларга кузатиш чоғида ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ҳамда эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументини зиёрат қилиш анъанага айланган.

Истиқлолимиз, унинг энг ёрқин тимсоли бўлган Мустақиллик майдони Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов сиймоси билан боғлиқ. Шу боис ҳар бир юртдошимиз ушбу майдонни муқаддас билиб, янгидан-янги эзгу ишлар учун катта куч ва маънавий қувват олади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ.**



Бахтиёр АКРАМОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Мол-мулк солиғи

## иқтисодий барқарорлик ва фаровонлик омилидир

Мамлакатимиз солиқ тизимидаги ўзгаришлар, хусусан, солиқ тўловларида берилаётган имтиёз ҳамда енгилликлар иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилиши билан алоҳида ажралиб туради. Мисол учун, жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк солиғи маҳаллий солиқлар таркибидаги энг асосий турлардан бири бўлиб, у маҳаллий бюджет даромадларини тўлдиришга, пировардида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга сарфланади. Шу боис мазкур солиқни ўз вақтида тўлаш мақсадга мувофиқдир.

**ХИЗМАТ**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272-моддасига асосан, солиқ солинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек, юридик шахс ташкил этган ҳамда ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчилари сирасига киради. Ушбу Кодекснинг 273-моддасида эса, республика ҳудудида жойлашган уй-жойлар, квартиралар, дала-ҳовлилар, гараж ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар солиқ солиш объекти сифатида белгилаб берилган.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъи назар, солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчиларга имзо қўйдирилган ҳолда ёки тўлов хабарномаси олинганлигини ва олинган санани тасдиқловчи бошқа усулда ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Қайд этиш жоизки, Солиқ кодексининг 276-моддасида жисмоний шахслар солиқ солиш объектларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланган ёхуд бу объектлар юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган тақдирда, шунингдек, жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган, яшаш учун мўлжалланмаган жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланиши белгилаб қўйилган.

Жисмоний шахс ёки оилавий корхона тураржойдан унда истиқомат қилиш билан бир вақтда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда эса, мол-мулк солиғи жисмоний шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади.

Шу билан бирга, Кодекснинг 275-моддасида айрим шахсларга имтиёзлар ҳам кўзда тутилган бўлиб, улар мулкдорнинг танлови асосида фақат бир мол-мулк объектига белгиланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори билан 2016 йилги солиқ солиш тартибига ўзгартиришлар киритилди ҳамда солиқ ставкалари тасдиқланди. Хусусан, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни кадастр органи томонидан белгиланадиган солиқ солиш объектларининг инвентаризация қийматидан келиб чиққан ҳолда, лекин 3 миллион сўмдан кам бўлмаган миқдордан ҳисоблаш тартиби амалиётга киритилган бўлса, солиқ ставкаси мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан 1,5 фоиз (2015 йилда 1,3 фоиз бўлган) миқдорида белгиланди. Шунингдек, бу йил фуқароларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича алоҳида ставкалар шаҳарларда жойлашган, умумий майдони 200 квадрат метрдан 500 квадрат метргача бўлган тураржой ва квартираларга 1,6 фоиздан 1,8 фоизга, майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган тураржой ҳамда квартиралар учун эса 2,2 фоиздан 2,5 фоизга оширилди. Бу миқдор бошқа аҳоли пунктларида жойлашган, умумий майдони 200 квадрат метрдан ортиқ бўлган тураржой ва квартиралар учун 1,8 фоизни ташкил этди.

Жисмоний шахслар мол-мулкини баҳолаш органлари томонидан белгиланган инвентаризация қиймати бўлмаганда, солиқни ундириш учун Тошкент шаҳри ҳамда вилоят марказларида 20328,0 минг сўм, бошқа шаҳар ва қишлоқларда эса 8833,0 минг сўм миқдорида мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинди.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатга олувчи органларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган янги қурилган тураржойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мол-мулкнинг шартли қийматидан келиб чиқиб, икки баравар миқдорида ундириладиган бўлди.

Мол-мулк солиғи ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар тўланади. Бироқ Солиқ кодексининг 36-моддасига биноан, истовчилар солиқ тўлаш мажбуриятини муддатидан илгари бажаришга ҳам ҳақлидир.

**Улуғбек АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Жисмоний шахсларга солиқ солиш бош бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчиси.**

Янгиликлар, воқеалар,

# хабарлар



## Янги тармоқлар ҳисобига

**Хоразм**

Хонқа туманидаги "Ота минор" масъулияти чекланган жамияти — барқарор ривожланаётган тадбиркорлик субъектларидан бири. Нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган мазкур корхона фаолияти янги йўналишлар ҳисобига тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан, яқинда бу ерда полипропилен қоплар тайёрлаш линияси ишга туширилди.

Мазкур цехга 700 миллион сўм маблағ эвазига ўрнатилган илғор технология кунига 6 минг дона маҳсулот тайёрлаш имкониятига эга. Жамоа сафига эса 30 нафар малакали мутахассис қўшилди.

— Ушбу лойиҳа туфайли даромадимиз ортди, — дейди корхона раҳбари Аҳмаджон Ўринов. — Биз, тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар ишимизга унум бағишлаяпти. Маҳсулотимизга халқ хўжалигининг барча тармоғида эҳтиёж бор. Шу сабаб ички бозорда мижозларимиз сони кенгайиб бораяпти.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Табиий ҳолда сақлаш имконияти

**Наманган**

Вилоят марказидаги "Мадад малҳам шарбати" масъулияти чекланган жамиятида мева-сабзавотларни узоқ муддат табиий ҳолда сақлаш имконияти юзага келди. Бунга корхона қошида хориждан келтирилган совиткичли омбор ишга туширилиши натижасида эришилди.

Ваҳолонки, тадбиркорлик субъекти жамоаси яқин вақтга қадар қабул қилинган хом ашёни зудлик билан қайта ишлашга мажбур бўлишарди. Эндиликда эса музлатиш камераларида 40 тоннагача замин неъматларини сархил сақлаш мумкин. Бундан оқилона фойдаланган лойиҳа ташаббускорлари ҳудуддаги фермер хўжаликлари ҳамда томорқа эгалари билан йигирмага яқин шартнома имзолади. Пировардида қисқа муддатда 30 тоннага яқин мева-сабзавот жамғарилди.

— Ўрик, олча, помидор ва бодрингни хорижий технология асосида қайта ишлаб, ўндан ортиқ турдаги табиий шарбат, мураббо ва тузламалар, шунингдек, томат пастаси тайёрлаяпмиз, — дейди МЧЖ раҳбари Нуриддин Шахобиддинов. — Истеъмол бозорида уларнинг харидори чаққон. Мавсум бошланганидан буён 10 тоннадан зиёд маҳсулотни савдога чиқардик.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қадоқлаш маҳсулотлари тайёрланади

**Сирдарё**

Сирдарё туманида дори-дармонлар учун пластмасса идишлар тайёрлашга ихтисослаштирилган янги корхона фаолият кўрсата бошлади.

Айтиш лозимки, "Pharm plas" масъулияти чекланган жамиятига қарашли мазкур саноат субъектида йилига турли ҳажмдаги 70 миллион донадан зиёд қадоқлаш воситалари ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

Пластмасса идишлар шиша турдошларидан ташиш учун қулайлиги билан тубдан фарқ қилади. Қолаверса, хом ашёнинг асосий қисми маҳаллий корхоналар томонидан етказиб берилаётгани натижасида маҳсулот таннархи арзонлашмоқда.

— Ушбу лойиҳага 2,5 миллион АҚШ долларилик маблағ йўналтирилди, — дейди МЧЖ раҳбари Шерзод Ҳайдаров. — Уни қисқа муддатда амалга оширишимизда эса тадбиркорларга яратилган имкониятлар муҳим омил бўлди. Хусусан, бўш турган бинонинг корхонамиз учун "ноль" қийматда берилганлиги биз учун айни муддао бўлди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ИНТИЛИШ**

Бойсун томонларга йўлингиз тушса, албатта, ҳунармандчилик маркази усталари қўлида жило топаётган кашталару терма гиламларни томоша қилинг. Қадимий услубда, ёғочдан ясалган дастгоҳларда тўқилаётган жанда, олача матоларининг афзалликлари хусусида суҳбат қурсангиз, баҳридилингиз очилади, ҳунармандчилигимиз тарихи ҳақида янада кенгроқ маълумотга эга бўласиз.

## Қадимий услуб, рангин матолар

— Бу матоларнинг бўёғи табиий ўсимликлар — ёнғоқ, пиёз, анор пўчоғидан олинганлиги учун инсонга хуш ёқади. Ёзнинг жазирамасида салқин, қаҳратон қишда эса танани илиқ тутади, — дейди "Бойсун ҳунармандчилик маркази" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ҳанифа Салимова. — Ўзим ҳам ҳунармандлар сулоласиданман. Ота-боболарим, момоларим турли матолар тўқиб, эл корига яраб келишган. Истиқлол шарофати билан уларнинг анъаналарини давом эттириш имконига эга бўлганимдан фахрланаман. Ҳозирги кунда қадимий услубда тўқилаётган маҳсулотларимизга кўплаб буюртмалар тушмоқда.

Таъкидлаш керакки, марказда атлас ва адрас тўқиш ҳам йўлга қўйилган. Ўтган йили Фарғонада ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказилган "Атлас байрами"да ҳунарманд Ҳанифа Салимова тўқиган олача гиламлар, Алим Орипов яратган жанда матолари тадбир ташкилотчилари томонидан алоҳида эътироф этилиб, "Сифат" белгиси билан тақдирланди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлганидек, Бойсунда ҳам ёш ҳунармандлар сафи кундан-кунга кенгаймоқда. Жумладан, Гулнора Сиддиқова қисқа фурсатда қадимий услубдаги дастгоҳларда табиий матолар, Ҳабиба Ҳабибуллаева эса гилам тўқиш сирларини тўлиқ ўзлаштириб олди. Ҳозир улар яратаётган кашта, тўдагул гиламлар каби миллий маҳсулотлар хорижлик харидорлар эътиборини қозониб улгурган.

Зарина Самадова — дўппидўзлар оиласидан. Момолари ҳунарини пухта эгаллаб, унутилаёзган анъаналарни қайта тиклаш борасида изланишлар олиб бораётган ёш ҳунарманд қиз бугун шогирдлари билан биргаликда тикаётган "гулдўзи", "лолагул", "тўлдирма" дўппиларни нафақат маҳаллий аҳоли, балки хорижлик сайёҳлар ҳам катта қизиқиш ва иштиёқ билан харид қилишмоқда.

— Мен ҳар гал Ўзбекистонга саёҳат қилганимда, албатта, Термизга, Бойсунга ҳам келаман, — дейди японлялик Г. Нагдо. — Бу ерда миллий ҳунармандчиликнинг ноёб намуналари билан яқиндан танишаман. Хусусан, "Бойсун ҳунармандчилик маркази"нинг кўргазма залидан олам-олам таассуротлар оламан.

Дарҳақиқат, юксак эътибор туфайли равнақ топиб, тобора ривожланаётган миллий ҳунармандчилигимиз мазкур жамоани ҳам элу юртга танитди. Улар кўплаб халқаро кўргазмаларда қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритаётгани фикримиз тасдиғидир.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

# Саноат салоҳияти ошмоқда

Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли иқтисодиёт тармоқлари жадал ривожланмоқда. Жумладан, саноат корхоналари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, улар учун барча шарт-шароит яратиб берилаётгани ишлаб чиқариш салмоғи ортишида муҳим омил бўлаяпти.

**ИСЛОҲОТ**

Фикримизни биргина Андижон вилояти мисолида давом эттирсак: шу йилнинг ўтган даврида ҳудудда саноат маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши 137,3 фоизни ташкил этди. 244 та ишлаб чиқариш қуввати фойдаланишга топширилди. 83 миллион АҚШ долларидан зиёд маҳсулот ва хизматлар экспортга чиқарилди. Эътиборлиси, ташқи савдонинг 67 миллион АҚШ долларилик қисми экспорт қилувчилар сафига янги қўшилган 44 та корхона улушига тўғри келди. Ана шундай субъектлардан бири — Асака туманидаги "Libero Vita Biznes" масъулияти чекланган жамиятида ҳар чоракда 150 минг АҚШ доллари миқдоридаги трикотаж маҳсулотлари хорижлик харидорларга етказиб берилаяпти.

— Фаолиятимизни беш нафар ишчи билан бошлаган эдик, — дейди корхона раҳбари Дилмуроджон Қурбонов. — Айни пайтда 50 нафар кишидан иборат жамоамиз аъзолари тайёрлаётган маҳсулотларимиз сифати, дизайни мижозларга манзур келаётгани боис чет мамлакатларда ҳам унга нисбатан талаб тобора ортиб бормоқда. Ўз навбатида, бундай ижобий ҳолат маҳсулот турини кўпайтиришга туртки бераётир. Бугунги кунда 50 дан зиёд турда либослар тайёрлаб, харидорларга таклиф этаяпмиз. Иқтисодиётимиз равнақини таъминлашга, озми-кўпми, ҳисса қўшаётганимиз бизни янги марралар сари руҳлантиради.

Андижон туманида фаолият юритаётган "Салом ҳамкор текстиль" хусусий корхонаси томонидан тақдим қилинаётган 20 дан ортиқ турдаги кийим-кечаклар ҳам икки йилдан буён хорижга чиқарилмоқда. Корхонага банк томонидан 350 миллион сўм миқдоридаги молиявий кўмак берилгач, маҳсулот тайёрлаш суръати ҳам, унинг сифати ҳам ошди. Кредит маблағи эвазига Япония ҳамда Германиядан замонавий дастгоҳлар сотиб олинди.

Вилоят марказидаги автомобилларга бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи "O'zERAE Climate Control" қўшма корхонаси АҚШдаги "GM" концернининг "Энг яхши таъминотчи" мукофотига сазовор бўлгани ҳам бежиз эмас. Зеро, корхона бундай юксак эътирофга изчил фаолияти ва маҳсулотлари сифатлилиги боис эришди. Қирққа яқин турдаги иситиш, совитиш воситалари ҳамда радиатор тайёрловчи мазкур корхона чет эллик ҳамкор билан 35 мингта маҳсулот етказиб бериш бўйича тузилган шартнома ижросини ўз вақтида уддалаяпти.

Андижон шаҳридаги "Водий олтин куз" масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай ислоҳотлар натижасида ўз фаолиятини самарали ташкил этиб келмоқда. Айни пайтда кичик бизнес субъекти "GM Uzbekistan", "ЎзДонгЯнг Ко", "ЎзТонгХонг Ко" каби йирик корхоналар буюртмаларини белгиланган муддатларда бажариб, ички ва ташқи бозордаги мавқеини тобора мустаҳкамлаётир.

Ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини кучайтиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилаяпти. Тегишли ҳужжатга асосан, вилоятда 70 дан ортиқ давлат объекти "ноль" харид қийматида тадбиркорлик субъектларига берилгани бунинг тасдиғидир. 321 корхонага фаолиятини давом эттиришда амалий кўмак кўрсатилиб, лойиҳаларни рўёбга чиқаришлари учун етарли шарт-шароит яратилгани ҳам келгусида иқтисодиёт салоҳиятини янада оширишда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Қисқача айтганда, бир пайтлар аграр соҳага ихтисослаштирилган Андижон вилоятида бугунги кунда саноат жадал ривожланиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ортаяпти. Бу эса аҳоли бандлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.



**Саминжон ҲУСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Фан ва амалиёт уйғунлиги

Сув — тириклик манбаи, деймиз. Унда ўсадиган ўсимликлар-чи? Олимларнинг фикрича, бундай набохот турлари тез ривожланиб, фотосинтез жараёнида обиҳаётни кислород билан бойитади.

**ТАДҚИҚОТ**

— Саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларнинг жадал ривожланиши натижасида катта миқдорда оқова сув ҳосил бўлаяпти, — дея мулоҳаза юритади Бухоро давлат университети профессори, биология фанлари доктори Сулаймон Бўриев. — Уларнинг таркибида эса кўплаб органик моддалар ҳосил қилувчи ҳамда турли касалликларни келтириб чиқарувчи бактериялар мавжуд. Бундай сувлар махсус қурилмаларда тозаланиб, ҳавзаларга ташланади. Мазкур жараёнда эса микроскопик ва бошқа сув ўсимликлари муҳим аҳамиятга эга. Юқорида таъкидлаганимиздек, обиҳаёт манбаи таркибида органик моддалар кўп бўлганлиги сабабли, биринчи навбатда, микроорганизмлар фаоллик билан ривожланади. Натижада минерализация жараёни содир бўлади. Ўз навбатида, минерал моддалар ҳисобига сув ўсимликлари обиҳаёт таркибини ҳар хил чиқиндилардан тозалайди. Ҳозирги кунда вилоятимиздаги барча корхоналардан чиқадиган оқова сувларни биотехнологик услублар билан 90 — 95 фоизгача тозалаш технологиялари яратилган.

Сув ўтларининг имкониятлари бу билан чегараланиб қолмайди. Негаки, улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўллаш мумкин бўлган жуда катта миқдордаги биомасса ҳам ҳосил қилади. Шу туфайли тадқиқотчилар сув юзасида ўсувчи ўсимликлар, жумладан, ряска, азолла, сув караминнинг физиологик фаол моддаларга бойлигини таъкидлашади.

Университет олим-тадқиқотчилари мазкур йўналишда ҳам самарали илмий изланишлар олиб бориб, уларни ҳаётга татбиқ этишмоқда. Чунончи, Бухоро, Хоразм, Наманган вилоятларининг балиқчиликка ихтисослаштирилган хўжаликлари билан умумий қиймати 200 миллион сўмликдан зиёд шартномалар тузилиб, ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланаётир. Эътиборлиси, илмий изланишларга ёшлар ҳам кенг жалб қилинаяпти. Университет магистри Элбек Жалолов — шулардан бири.

— Одатда, кўл ва ҳовузларда юмшоқ ҳамда дағал қамиш ўсади, — дейди у. — Агар оқ амур балиғи етти ой давомида 80 килограмм миқдорида юмшоқ қамиш истеъмол қилса, бир килограмм вазнга эга бўлади. Мабодо, ряска, азолла каби сув ўтларининг 26 — 28 килограммини еса, оғирлиги 1,5-2 килограммга етади. Масалан, Хоразм вилоятидаги "Қорақум ҳосили" кўп тармоқли фермер хўжалиги сунъий сув ҳавзасида устозларимиз раҳбарлигида олиб борган тажрибаларимиз ўзини тўла оқлади. "Бухоробалиқ" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликдаги ишларимиз ҳам сув ўтларининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни катталигини кўрсатмоқда.

Ёш тадқиқотчининг айтганича бор. Ҳозир кўплаб фермер хўжаликлари пахтачилик ва ғаллачилик билан бир қаторда, балиқчилик билан ҳам шуғулланмоқда. Улар одатда сунъий сув ҳавзалари барпо этишади. Бундай ҳовузларда, биламизки, дастлабки кезларда озуқабоп ўсимликлар учрамайди. Шундай экан, университет олимлари билан ҳамкорлик қилиш ҳамда сув ўтларини кўпайтиришни йўлга қўйиш фойдадан холи эмас. Зеро, шу йўналишдаги бугунги саъй-ҳаракат эртанги кун учун қўйилган сармоядир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тоғларга туташ қишлоқлар

## тобора обод ва кўркам қиёфа касб этмоқда

Сўх — Фарғона вилоятининг пурвиқор тоғлар бағрида жойлашган олис тумани. Бу замин қадимий манзилгоҳлари, хусусан, ҳудуд шимолидаги ғор деворларига ўйиб ишланган суратлар ҳамда бошқа топилмалари билан машҳур.

**БУНЁДКОРЛИК**

Мустақиллик йилларида Сўх бутунлай ўзгарди, гуллаб-яшнади. Авваламбор, саноат тармоқлари кириб келди. Озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи илғор корхоналар сони кўпайди. Иқтисодий соҳадаги муваффақиятлар, ўз навбатида, ижтимоий масалалар ечимига йўл очаяпти. Инфратузилма мустаҳкамланиб, замонавий бино ва иншоотлар бунёд этилмоқда.

Умуман, тумандаги обод манзиллар сонини янада кўпайтириш кўзда тутилган. Намунавий лойиҳалар асосидаги 100 та хонадон, 3 гектардан иборат истироҳат боғи, болалар спорт майдончаси, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши ниҳоясига етказилгач, бу ерда Ровон номли янги шаҳарча вужудга келади. Ҳадемай, 20 та намунавий хонадонни ўз ичига олган Зангат массиви фойдаланишга топширилади.

— Қишлоқларимиз шаҳарлар билан бўйлашмоқда, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг туман бўлинмаси раиси Махсум Аъламов. — Натижада одамларимизнинг ҳаёт тарзи, дунёқараши ўзгараяпти. Бундай бахт ошёнларида ҳеч кимдан кам бўлмай камол топаётган навқирон авлод вакилларига ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди. Намунавий тураржойларнинг тайёр ҳолатда ўз эгаларига топширилаётгани хонадон соҳибларига ортиқча юмуш қолдирмаётир ҳамда яратилган қулайликлар уй бекаларига манзур бўлмоқда.

Таомилга кўра, халқимиз иморатларни офтоб тушишига ўнғай қилиб тиклаш пайидан бўлади. Хоналарнинг кенг, ёруғ ва шинамлиги ҳам муҳим талаблар сирасидан. Қишнинг изғирин, ёзнинг жазирама кунларида уй ичида мўътадил ҳарорат сақланиши эса қурилиш материаллари тури ҳамда сифатига боғлиқ. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаётган иморатларда ана шу жиҳатларнинг барчаси ҳисобга олинган.

— Ишдан чарчаб келганингизда, оила даврасида, тўкин дастурхон атрофида ҳордиқ чиқаришга нима етсин?! — дейди ана шундай тураржой эгаларидан бири Ибод Жўраев. — Бир пайтлар одамлар уй қуриш учун йиллаб вақт сарфлаганини яхши биламиз. Шунда ҳам лойсувоқ ва томсувоқ иморатларнинг ками битмаган?! Энди-чи? Ортиқча машаққат чекишингизга ҳожат йўқ. Давлатимиз қишлоқ аҳолисини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаяпти. Мана, кўриб турганингиздек, уч хонали уйимизда барча шарт-шароит муҳайё. Буларнинг барчаси ҳаётимиз фаровонлиги ифодасидир.

Юртдошларимиз азалдан тозалик ҳамда оришталикка одатланган. Покиза жойда файзу барака бўлишини билишади улар. Турнақатор тизилган уйлар олдидан ўтар эканмиз, турфа гулларнинг хушбўй ифори димоғимизга урилади. Яхши ният билан ўтқазилган мевали ва манзарали кўчатлар эса ҳудуд чиройига чирой қўшади.

Айни кунларда Фарғона вилоятида бунёдкорлик ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Чунончи, ўтган йили ҳудуддаги 30 та массивда намунавий лойиҳалар асосида 1 минг 19 та тураржой биноси барпо этилган бўлса, жорий йилда улар сони яна 1100 тага кўпайди. Бу шунча оила ҳаётига янгича мазмун бағишлайди, деганидир.

**Элёржон ЭҲСОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар ва хотин-қизлар терма жамоалари Озарбайжонда ўтказилаётган жаҳон шахмат олимпиадасида муваффақиятли иштирок этмоқда.*

*Боку шаҳри мезбонлик қилаётган бу галги жаҳон шахмат олимпиадасида 170 дан зиёд давлатлар шахматчилари ғолиблик учун кураш олиб бормоқда. Ўн бир турдан иборат олимпиаданинг ҳар бир учрашувида терма жамоаларнинг тўрттадан ўйинчиси иштирок этади. Ғолиб тўрт партиянинг умумий натижаси бўйича аниқланади.*

# ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАЛАРИ

Эркаклар ўртасидаги мусобақаларда мамлакатимиз шарафини халқаро гроссмейстерлар — жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, Антон Филиппов, Марат Жумаев, Жаҳонгир Воҳидов ҳамда ёш иқтидорли шахматчимиз Нодирбек Ёқуббоев ҳимоя қилмоқда. Хотин-қизлар мусобақасида халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова, халқаро тоифадаги спорт усталари Гулруҳбегим Тоҳиржонова, Ирина Геворгян, Сарвиноз Қурбонбоева ва тажрибали шахматчимиз Нодира Нодиржонова дона сурмоқда.

181 жамоа иштирок этаётган эркаклар мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари биринчи турда брунейлик шахматчиларни 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Жаҳонгир Воҳидов Сун Вей Йега, Антон Филиппов Ҳафизон Омарга, Марат Жумаев Алиуддин Азаҳарига, Нодирбек Ёқуббоев Омар Баки Жапарга ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Иккинчи турда шахматчиларимиз Доминикан Республикаси терма жамоасини ҳам 4:0 ҳисобида енгди. Рустам Қосимжонов Хосе Лисандро Муноз Сантана, Жаҳонгир Воҳидов Нельсон Пинал Боргес, Антон Филиппов Хосе Маунэль Домингес, Нодирбек Ёқуббоев Карлос Пол Эбрю Жан устидан ғалаба қозонди.



Учинчи турда шахматчиларимиз Чехия терма жамоаси билан баҳслашади.

Хотин-қизлар мусобақасида 142 жамоа бош соврин учун баҳсга киришди. Шахматчи қизларимиз биринчи турда парагвайликларни 4:0 ҳисобида доғда қолдирди. Нафиса Мўминова Габриела Варгасни, Ирина Геворгян Далила Перезни, Сарвиноз Қурбонбоева Летиция Авалосни, Нодира Нодиржонова Монцеррат Рохасни мот қилди.

Иккинчи турда қизларимиз бельгиялик шахматчилар устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Мазкур турда Ирина Геворгян Сара Диеркенсни, Сарвиноз Қурбонбоева Астрид Барбиерни енгган бўлса, Нафиса Мўминова Ханне Гуссенс билан, Гулруҳбегим Тоҳиржонова эса Юлия Морозова билан дуранг ўйнади.

Энди учинчи турда Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси россиялик шахматчилар билан баҳслашади.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР


## «AUTO MEGA TRADE» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**Аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

**I.** Тошкент шаҳар Бектемир тумани СИБ томонидан хатланган, ИИБ Ахборот маркази жарима майдончасида сақланаётган:

* 2013 йил 12 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 823 NBA бўлган, «ГБА СПГ КАВЗ-3271» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 2 316 932 сўм.**

* 2013 йил 12 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 935 ТВА бўлган, «ГБА СПГ ГАЗ-5203» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 1 234 396,40 сўм.**

* 2015 йил 12 майдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 J 083 MA бўлган, «Москвич-2141» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 5 189 400 сўм.**

* 2016 йил 25 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 T 027 QA бўлган, «Matiz Best» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 30 200 000 сўм.**

* 2016 йил 25 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 M 311 KA бўлган, «Nexia-2» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 28 762 033,60 сўм.**

* 2016 йил 1 июндаги ижро варақасига асосан хатланган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 M 347 SA бўлган, «Nexia-2» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 43 500 000 сўм.**

* 2015 йил 27 мартдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 D 781 GA бўлган, «Москвич-412» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 2 823 116,40 сўм.**

* 2013 йил 8 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 R 769 CA бўлган, «ВАЗ-2103» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 2 390 716,40 сўм.**

* 2014 йил 25 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 M 791 PA бўлган, «ВАЗ-2107» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 13 348 413,20 сўм.**

* 2014 йил 14 мартдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 S 513 EA бўлган, «ГБА СПГ ГАЗ-24» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 2 211 915,30 сўм.**

* 2015 йил 5 июндаги ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 D 619 EA бўлган, «Matiz» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 24 563 160 сўм.**

* 2013 йил 20 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 E 506 UA бўлган, «Nexia» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 27 676 800 сўм.**

* 2016 йил 25 январдаги 10-1501/26191-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 704 QCA бўлган, «Lacetti» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 45 235 559 сўм.**

* 2015 йил 9 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 J 686 QA бўлган, «Captiva» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 86 000 000 сўм.**

* 2015 йил 9 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 G 371 SA бўлган, «Lacetti» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 56 000 000 сўм.**

* 2015 йил 9 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 V 393 CA бўлган, «Nexia» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 32 000 000 сўм.**

* 2015 йил 9 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 U 424 QA бўлган, «Ford Transit» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 27 949 056 сўм.**

* 2016 йил 19 январдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 T 870 JA бўлган, «Lacetti» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 40 529 615 сўм.**

* 2015 йил 9 июлдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 199 TTA бўлган, «Damas» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 11 317 342,10 сўм.**

* 2014 йил 14 мартдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 R 095 EA бўлган, «ГАЗ-24» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 2 450 747 сўм.**

**II.** Тошкент шаҳар Яккасарой тумани СИБ томонидан хатланган, Чилонзор ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган:

* 2016 йил 28 мартдаги 23-1504/487-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 515 HAA бўлган, «BMW-525i» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 83 966 400 сўм.**

**III.** Тошкент шаҳар Яккасарой тумани СИБ томонидан хатланган, Сергели ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган:

* 2016 йил 28 мартдаги 23-1504/487-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 677 EAA бўлган, «Land Cruiser» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 235 764 480 сўм.**

* 2016 йил 28 мартдаги 23-1504/487-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 070 HAA бўлган, «Lacetti» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 45 493 151 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 6 октябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 4 октябрь куни соат 16.00.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Auto mega trade» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Марказий амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000900603278001, МФО: 01088, СТИР: 303877274.

***Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 16-«А» уй. Телефон: (0-371) 239-29-40.***

Гувоҳнома № 009293.

1332А/577



## Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда ЎзМУ қошидаги Математика институти ва Тарих институти

**қуйидаги мутахассисликлар бўйича 2017 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига ҳамда мустақил изланувчиликка танлов эълон қилади:**

**Ўзбекистон Миллий университетига:**

09.00.04 — Ижтимоий фалсафа;
10.00.04 — Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти;
10.00.09 — Журналистика;
11.00.01 — Табиий география.

**Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Математика институтига:**

01.01.01 — Математик анализ;
01.01.02 — Дифференциал тенгламалар ва математик физика;
01.01.03 — Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика;
01.01.06 — Алгебра.

**Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Тарих институтига:**

07.00.01 — Ўзбекистон тарихи;
07.00.02 — Фан ва технологиялар тарихи;
07.00.06 — Этнография, этнология ва антропология;
07.00.07 — Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари.

**Талабгорлардан ҳужжатларни қабул қилиш муддатлари, талаб этиладиган ҳужжатлар ва топшириладиган имтиҳонлар рўйхати қуйидагилардан иборат:**

**1.** Ҳужжатлар 2016 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

**2.** Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтида ўқиш истагидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:
— ариза;
— маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
— олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси ёки Миллий хавфсизлик хизмати таълим муассасасининг магистратура дипломига тенглаштирилган дипломи ёхуд фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
— тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
— илмий журналларда ҳамда нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ва амалий конференциялар, семинарлар ҳамда давра суҳбатлари тўпламларига фан доктори даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
— талабгорларнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи Олий аттестация комиссияси (ОАК) ҳужжати нусхаси;
— етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги. Бунда тавсия этилган мавзулар базасидан танлаб олинган мавзу бўйича, қоидага кўра, «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида Низом»нинг 8-бандига мувофиқ, мазкур мавзуни таклиф этган етакчи олим илмий консультант бўлиши мумкин.
— Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

**3.** Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига кираётган талабгорлар Ўзбекистон тарихи, фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси, чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил бўйича) ҳамда мутахассислик бўйича кириш имтиҳонлари топширади.

Фаннинг тегишли йўналишлари бўйича фан номзоди илмий даражасига эга бўлган талабгорлар кириш имтиҳонларини топширишдан озод қилинади.

**4.** Кириш имтиҳонлари 2016 йил 1 — 20 декабрь кунлари бўлиб ўтади.

**Маълумот олиш учун университетнинг илмий тадқиқот ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй, маъмурий бино, 3-қават, 38-хона. Телефон: (0-371) 246-74-35.**

1315А/569



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг**

## Гидрометеорология илмий-текшириш институти

қуйидаги соҳалар бўйича катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига қабул эълон қилади:

**11.00.03** — Қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари, гидрокимё.
**11.00.04** — Метеорология, иқлимшунослик, агрометеорология.

**Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: 100052, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72-уй. Телефон: (0-371) 235-83-25. Автобуслар: 2, 38, 152, 88, 89, 95, «Гидрометмарказ» бекати.**

1312R/599



**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 932 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6